



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (11.609)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Тошкент молия институтининг ўқитувчи ва олимлари иштирокида янги депутатлар корпуси учун «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда ҳамда уни бошқаришда қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Ушбу тадбирда Аграр ва сув ҳўжалиги соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг ҳолати ва натижалари муҳокама этилди.

● Пойтахтда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мамлакатимиз Президентининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусикали драма театрида баҳорни мадҳ этувчи энг яхши кўшиқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 60 дан зиёд яққохон хонандалар, миллий ҳамда этнографик фольклор жамоалари, бахшилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

● Қизилтепа туманилик тадбиркор Абдумалик Тешаев банкдан олган 140 миллион сўм кредит эвазига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани ишга туширди. Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган «Файз инвест плюс» хусусий корхонасида темир-бетон плита ва кўплаб бошқа қурилишбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхонанинг фойдаланишга топширилиши билан 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи якунланди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг «Қонлиқўл тумани машина трактор парки» акциядорлик жамиятининг жамоаси янги қишлоқ ҳўжалик мавсумига барча мавжуд техника воситаларини тахт қилиб қўйди.

● Европа бизнес ассоциацияси автомобиллар ишлаб чиқарувчилар қўмитаси маълумотларига кўра, Асакада тайёрланаётган замонавий русумдаги автомобиллар Россияда харидорнинг машиналарининг «Топ-10» рўйхатда саккизинчи ўринни эгаллади. Хориж автомобиллари бўйича тузилган рўйхатда «Нексия» тўртинчи, «Матиз» бешинчи ўринни банд этди.

ЖАҲОНДА

● Ироқда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра унда мамлакатнинг амалдаги бош вазир Нури-ал Маликий бошчилигидаги коалиция етакчилиги қилмоқда.

● Швеция парламенти арман миллатига нисбатан Гинацитни тан олганлиги боис Туркия Стокгольмдан ўз элчисини маслаҳатлашиш учун чақириб олди.

● Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефть нархи турли йўналишларда ўзгарди.

● Грецияда бир неча кундан бери давом этаётган, бир миллиондан ортиқ киши иштирок этган умуммиллий иш ташлаш давомида кеча полиция билан тўқнашувлар юз берди.

● Кеча Чилида янги сайланган президент Себастьян Пинейронинг инаугурация маросими пайтида бир неча дақиқа давомида Рихтер шкаласи бўйича 5,1-7,2 балли zilзила тўрт марта содир бўлди.

● Хитойнинг Шаньэ музофотида кўчки содир бўлиши натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди, ўнлаб одамлар кўчки остида қолиб кетди. Ушбу табиий офат сел келиши туфайли юз берган бўлиб, воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

● Кеча АКШнинг Оклахома штатидан ўтган газ ўтказгичда портлаш рўй берди. Ҳозирча жабрланганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Лондоннинг «Sotheby's» кимошди савдо уйи шу йилнинг 7 апрелида жуда ноёб 5,16 каратли ҳаворанг бриллиантнинг савдога қўяди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қимматбаҳо тошнинг дастлабки баҳоси 5,8 миллион АКШ долларига тенг.

БОЛАЛАР СПОРТИ: АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорт объектларининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги, 2010 йилда болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Куйида Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

1. Ҳомийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ориповнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорт объектларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб ва танқидий муҳокама қилиб, тайёрланган материалларни қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия (А.Орипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда жойларга чиқиб, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор танқидий таҳлил қилсин. Бунда болалар спорт объектларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин:

спорт билан оммавий шугулланиш — болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шугулланиш қамрови даражасини ошириш. Бунда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасалари (касб-хўнара коллежлари ва академик лицейлар) ўқувчиларининг умумий сонини асос қилиб олинсин; ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб, болалар спорт объектларининг спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси;

болалар спорт объектларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқ, юқори малакали, профессионал даражада тайёрланган мураббийлар ва таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан тўлдирилгани;

спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — бир кун ва ҳафта давомида турли спорт турлари билан мунтазам шугулланиш соатлари, ўтказилган спорт тадбирлари сонини ва бошқалар;

спорт билан шугулланиш самарадорлиги — республика ва халқаро мусобақаларда 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлардан совриндорлар сонини.

Комиссия ўтказилган таҳлил натижалари бўйича, уларни танқидий баҳолаш билан бирга, болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур иншоотларни тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлашга доир аниқ тақлифлар киритсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ой муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилган, алоҳида жойлашган 178 намунавий болалар спорт объектларининг баланс эгаларини қайта кўриб чиқиш бўйича тақлиф киритсин ва бундан кейин уларни талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни назарда тусин;


(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Юртимизда яшариш ва янгиликни рағбат қилиш ҳисобланмиш Наврўзи олам шуккуҳи кезмоқда. Пиру бадавлатларимиз уйғониш фаслига етказганига шукроналар билдириб, ёшларимизни эзгуликка чорламоқдалар.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ



ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

13-14 МАРТ КUNЛАРИ УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Далаларда дехқонлар барака уруғини қадамда. Маҳаллаларда дарахларга шакл берилаётди. Дошқоронларда сумалаклар қайнаб, атрофда нурунийлару ўғил-қизларимиз халқ кўшиғу лапарларини айтиб, барчага хуш кайфият улаштиришмоқда.

Шундай шуккуҳи дамларда — 13-14 март кунлари ўлкаимизда умумхалқ ҳашари ўтказилаётганида ҳам алоҳида ҳикमत бор. Халқимизда

қадим-қадимдан байрамлар арафасида ҳовиллар, кўчалар ва маҳаллаларни орасталаб, ободонлаштириш ва яшнатилиш хайрли анъана тусига кирган. Умумхалқ ҳашарининг ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ойда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас.

Азиз ҳамшаҳарлар! Миллий қадриятларимизни ўзига жо айлаган Наврўзи умумхалқ байрами арафаси-

да ушбу кутлуг айёми уюшқоқликда, кўтаринки руҳда кўтиб олиш, жамиятимизда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилаётган ҳашарда фаол қатнашиб, ўз турар жойларимиз, маҳаллаларимиз, корхона ва ташкилотларимиз худудини янада обод ҳамда кўқаламзор қилишга, шаҳримиз чиройини бундан-да фарахбахш бўлишига ҳисса қўшайлик.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 март куни Япониянинг Нагоя университети ваколатхонаси очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Япония Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни изчил қўллаб-қувватлаб келаётди. Мазкур мамлакат 1993 йилдан буён мамлакатимиз билан кадрлар тайёрлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Тошкентдаги Нагоя университети ваколатхонаси Марказий Осиёда ягона бўлиб, унда нафақат ўзбекистонлик, бал-

ки бутун Марказий Осиё мамлакатлари ёшлари талабаларига танлаб олинади.

— Япония Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни юксак кадрлайди. — деди Нагоя университети президенти Хамагу-чи Миичинари. — Ўзбекистон — юксак интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Шу боис биз университетимизнинг ваколатхонасини очиб унинг асосини ўзбекистон талладик. Айни вақтда ўзбекистонлик ўнлаб талабалар бу университетда таҳсил олади. Уларнинг сонини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур ваколатхона мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Университетимиз битирувчилари келгусида Ўзбекистон тараққиётига ва ўзаро муносабатларимиз ривожига катта ҳисса қўшишига ишонамиз.

Мадина УМАРОВА, ЎзА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Баркамол авлод йилга бағишлаб Ўзбекистон ИИВ ва шаҳар ИИББ ҳамкор-

лигида талабалар, ўқитувчилар, ички ишлар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир «Баркамол авлод: ҳуқуқий юксалиш йўлида» деб номланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Темир йўл муҳандислари институтида талабалар, ўқитувчилар, экологлар, темирйўлчилар иштирокида уюштирилган «Табиат ва ёшлар» мавзусидаги давра суҳбати Баркамол авлод йилига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Молия институтида «Бухгалтерга миллий мадад» дастурининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар, солиқ идоралари вакиллари иштирок этди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

алоҳида жойлашган ҳар бир болалар спорти объектини талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсин.

Алоҳида жойлашган спорт иншоотларидан самарали фойдаланмаслик республика ва вилоятлар спорт федерациялари фаолияти қониксарсиз эканини белгилувчи кўрсаткич ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор идора ҳамда тузилмалар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорда кўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги (С.Бекенов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жаббаров), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов) 2010/2011 ўқув йилида олий ўқув юрталарига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иқромов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида болаларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг жисмоний ҳолатига, касалла-нишнинг камайишига таъсир этиш кўрсаткичлари бўйича мониторинг тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин, шу асосда спортнинг муайян турлари билан шуғулланишни кенгайтириш ва спорт машғулотларининг оғирлик даражаси бўйича асосланган тавсиялар тайёрласин.

6. Иқтисодий вазирлиги (С.Бекенов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иқромов), «Ўзстандарт» агентлиги (А.Абдувалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

республикада болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис тўпларига бўлган эҳтиёжларини

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Болалар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг фазначилик иқроси механизмини 2010 йилнинг II чорагидан жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин;

2010 йилнинг ҳар бир чораги якуни бўйича Молия вазирлигининг

уларни реконструкция қилишга ажратиладиган маблағларни сезиларли даражада кўпайтириш кўзда тутилганига, чунки барқамол авлоднинг тарбиялашда ушбу йўналишлар бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Хўжаев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жаббаров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастурга киритилган болалар мусика ва санъат мактабларининг намунавий лойиҳалар асосида сифатли қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилиши, уларнинг зарур анжомлар, инвентарлар ва мебеллар билан жиҳозланиши, профессионал кадрлар билан таъминланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари параметрлари ҳамда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастур тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритсин;

ҳар чорақда ўз йиғилишларида болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тасдиқланган аниқ манзилли дастурлар иқросини кўриб чиқсин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Ушбу баён иқросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

БОЛАЛАР СПОРТИ: АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

янада тўлиқ таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни 2010 йилнинг 1 сентябргача йўлга қўйиш; мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарларини чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари, жумладан, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи қисмлар сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

7. Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқуллов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда болалар спортини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини, Ўзбекистон ёшларининг спортдаги ютуқларини, болаларнинг мусика ва санъат билан шуғулланишини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очиловнинг 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган болалар спорти объектлари қурилишини молиялаш жорий йилнинг 20 мартага қадар бошланиши тўғрисидаги ахбороти қабул қилинсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси уч кун муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни умумтаълим мактабларида барпо этиладиган спорт заллари қурилишга ҳамда алоҳида жойлашган янги болалар спорти объектлари сонини оптималлаштиришга устувор тарзда йўналтириш мақсадида 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган болалар спорти объектлари рўйхатини вилоятлар кесимида яна бир бор танқидий кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов):

Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиалларининг болалар спорти иншоотлари объектлари қурилишига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ва харажатлар сметасига риоя қилишини текширишни амалга оширсин ва уларнинг натижалари бўйича жамғарманинг Ҳомилийк кенгашига ахборот тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жаббаров), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқуллов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2010 йилга мўлжалланган дастурида чуқур маъно-мазмун мужассамлигига, яъни болалар спорти объектларини қуриш билан бирга болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиши ва

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Чет тилларни ўқитишнинг илгор педагогик технологиялари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирлиги ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда пойтахт ва Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари мактабларининг француз тили фани ўқитувчилари иштирок этди. Институт ректори Муҳаммадҷон Алиев бугунги кунда таълим соҳасига қаратилган эътибор давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми эканини, ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши, иқтидорини тўла намоийш қилиши учун яратилган шароит борасида тўхталиб ўтди. Семинар давомида тингловчиларга ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни эркинлаштирувчи воситаларни ишлаб чиқиш, француз тили фанини ўқитишда

интерфаол усулларнинг ўрни ва тил грамматикасидаги янги ўзгаришлар борасида атрофлича маълумот берилди. Бундай тадбирлар француз тили фанига бўлган эътиборни янада кучайтириш, ўқувчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, янги педагогик технологияларни кенг тарғиб этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтилди. Француз тили фанини ривожлантириш ва ўқувчиларга тушунарли, содда тарзда етказиб беришни таъминлаш мақсадида бу йили учта вилоятда шундай семинар ўтказилиши режалаштирилган.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»



Кўрғазмалар

«ОЛТИН ҚЎЛЛАР» ЯРАТГАН МАҲСУЛОТЛАР миллийлиги билан ажралиб туради

Кўрғазмада мамлакатимизнинг барча минтақаларидан ташриф буюрган тадбиркор аёллар ўз ҳудудларига хос бўлган бетақор маҳсулотлари — чопонлар, дўппилар, тўй либослари, гиламлар, пичоқлар, кўғирчоқлар, тўқилган буюмларни намойиш этди. — Маазкур кўрғазма, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бош мутахассиси Дилбар

Олимжоновна, — Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси, акциядорлик-тижорат Агробанк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида икки маротаба ташкил этилиб, бу сафар унда мингга яқин аёл иштирок этди. Кўрғазма доирасида маҳсулотларни намойиш этиш қаторида, ўзаро тажриба алмашиш, ҳуқуқий ва иқтисодий

Алексей Попов олган сурат



Президент стипендиатлари КЕЛАЖАК ИЗЛАНИШЛАРИГА ҚАНОТ

Илм нури ҳар бир кўнгилни чароғон айлагувчи шуъладир. Ана шу зиё инсонни саодат сари етаклайди.

Аммо илм сирларини ўрганиш, унинг яширин жиҳатларини аниқлаб, ёритиш кишидан улкан матонат талаб этади. Ушбу машаққатли олам сари қадам ташлашда ҳар ким ўз имкониятларини, билим даражасини чамалаб, иш қўради. Инсонда ишонч, сабр ва илмга муҳаббат бўлиб, барча тўсиқлар ўз-ўзидан бар-тароф этиб борилаверади.

Бугунги кунда юртимизда ана шундай сифатларни ўзда жо этган ёшларимиз талайгина. Уларнинг изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ. Динара Музафарова ҳам илм чўққиларини забт этишга киришган ёш олимларимиз сирасига кириди.

Болалигиданоқ китобга меҳри ўзгача бўлган Динара олдида бир қатор мақсадларни қўйганди. Шаҳримиздаги 18-мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, 1999 йилда Тошкент Давлат аграр университетининг агрономия факультетига ўқишга кириди ва талабаларнинг илк йиллариданоқ ўз соҳасини пухта эгаллашга ҳаракат қилди. Динара танлаган йўналиши анчагина мураккаб бўлишига қарамай, касбига бўлган муҳаббати уни илмий хазинанинг нодир гавхарларини саралашга янада ундади. Агрономия мутахассислиги бўйича магистратурада ҳам таълим олади. Илк ҳавас туйғуси аста-секин унинг олий мақсадига айланди. У «Тошкент шаҳри яшил ҳудудларида бегона ўтлар турлари таркибини аниқлаш ва уларга қарши кураш чоралари» мавзусида номзодлик диссертациясини устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришга киришди. Айни кунларда бу йўналишдаги изланишларини давом эттирмоқда.

кент шаҳридаги маданий газонларда учрайдиган бегона ўтларнинг турлари ҳамда уларга қарши кураш йўллари аниқлашдан иборат бўлди. Деҳқончилик ва мелиорация асослари кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабалардан иборат ишчи гуруҳи олдида маҳаллий шароитда касаллик, зараркунанда ҳамда бегона ўтларга чидамли газон навларининг селекцион материалларини танлаш вазифаси кўндаланг турганди. Ушанда мен пойтахт хиёбону кўчаларидаги газон қатламда бегона ўтлар — мойчека, беда кабиларнинг айниқса кўп учрашини кузатдим. Тадқиқот давомида уларнинг 73 та тури борлиги аниқланди. Қарангки, бунинг сабабини билишга уриниш илмий тадқиқотга айланди.

Динара Музафарова доимий изланишда. Ана шу машаққатли меҳнатларнинг самараси ўлароқ республикамиз ва хориж илмий нашрларида тўққизта мақоласи чоп этилди. 2007 йилда эса «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти» халқаро академиясининг «Интеллектуал мулк асослари» масофавий курсини тамомлади. Ҳозирда Тошкент Давлат аграр университети деҳқончилик ва мелиорация асослари бўлимининг умумий деҳқончилик ихтисослиги бўйича аспиранти. Шу йўналишдаги кафедра мудири ёрданчиси вазифасида ҳам фаолият юритмоқда.

Албатта, илм улкан бойлик. Унинг бағрига кириб борганингиз сари, ўзгача сайқалланиб, сизни янада оҳанрабодай ўзига чорлайверади. Шундагина унинг машаққатини унутамиз. Қўлингиз меҳнат нуносиб тақдирланса, кўнгил беҳад сурсурга тўлади. Динара Музафарова ҳам муаммоли мавзу юзасидан олиб бораётган илмий изланишларига нуносиб жавоб сифатида Ўзбекистон Республикаси Президент стипендияси билан тақдирланди. Уйлаймизки, ушбу эътибор ва эътироф Динара Музафарованинг кейинги изланишларига қанот бўлади.

Ёрқини УМАРОВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

ШХТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатнинг барқарорлиги, жадал тараққиёти ва миллий хавфсизлигини, унинг жаҳон тўғрисида алоқаларига киришувини таъминлашга имкон берувчи давлатлараро ташкилотларнинг тузилишига устувор аҳамият қаратган ҳолда халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этишдан иборатдир.

Ана шундай тузилмалардан бири Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саналади. Бу доимий фаолият юритувчи ҳукуматлараро халқаро ташкилот бўлиб, 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида (ХХР) имзоланган ШХТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида вуҷудга келган.

Ўзбекистон Республикаси, Қозғоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ШХТга аъзо давлатлар ҳисобланади.

Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон, Покистон — ташкилотнинг қузатувчи мамкидоти, Беларусь Республикаси ва Шри-Ланка мулоқотлар бўйича ҳамкор давлатлар саналади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2002 йил июнь ойда Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг Хартияси имзоланди (2003 йил 19 сентябрда қўлга кирган). Бу базавий ҳусусиятга эга бўлган низомий ҳужжат Ташкилотнинг мақсад ва тамойилларини, унинг тузилмаси ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

ШХТ фаолияти доирасида иқтисодий йўналиш унинг аъзолари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. 2003 йил сентябрь ойда ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари 20 йилга мўлжалланган Кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини имзолашди. Узоқ муддатли мақсад сифатида ШХТ маконида эркин савдо ҳудудини ташкил этиш, қисқа муддатли истиқболга — савдо ва инвестиция соҳасида қулай шароит яратиш жараёнини фаоллаштириш масаласи қўйилди.

Бугунги кунда ШХТ доирасида энергетика, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, телекоммуникация ва илмий-техникавий, маданий, таълим, сайёҳлик ва гуманитар соҳаларни қамраб олмоқда.

ШХТнинг қарор қабул қилувчи олий органи йилда бир бор йиғиладиган ва Ташкилотнинг барча муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қиладиган аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши ҳисобланади. Давлатлар Ташкилотта навбат билан бир йил муддатга раислик қилишда, муддатнинг тугатилиши саммит ваколатига кирилади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви якунларига қўра, Ташкилотга раислик қилиш навбати Ўзбекистон Республикасига келди.

Ўзбекистон раислиги доирасида ШХТнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини Ташкилот фаолияти ва бошқа халқаро ташкилотлар тажрибаси асосида янада такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган фаол тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ташаббусига қўра ШХТ ва БМТ котибиятлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ишлаб чиқилди ва келишилди. Ушбу лойиҳа айни пайтда БМТ котибиятида кўриб чиқилмоқда.

ШХТ тадбирларини ўтказиш жараёнини ташкил этишнинг аниқ тизимини яратиш, шунингдек, тайёрланаётган ҳужжатларнинг самардорлиги ва сифатини ошириш муҳим саналади. Шу ўринда, Ўзбекистон ташаббуси билан ташкилот доирасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўйича ташаббус кўрсатиш, ишлаб чиқиш, келишув олиб бориш ва қабул қилиш тартибини қатъий белгилаб берадиган ШХТ иш тартиби қоидалари лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ШХТ юқори нуфузли халқаро ташкилот бўлиб, бунга унинг аъзоси, қузатувчиси ёки мулоқот бўйича ҳамкор бўлишни истовчи давлатлар сони ўсиб бораётгани гувоҳлик беради.

Хартиянинг 13-моддасида ШХТнинг очиклиги таъкидланиб, Ташкилот минтақанинг бошқа давлатлари унга аъзо бўлиб кириши учун Хартиянинг мақсад ва тамойилларига ҳамда ШХТ томонидан қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатларга риоя этиши талаб қилиниши қайд этилади.

Шунга қўра ҳамда ШХТнинг бир қатор қузатувчи давлатларининг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш юзасидан қилган мурожаатлари эътиборга олиниб, Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2008 йил 28 августдаги йиғилишида ШХТни кенгайтиришга тегишли бўлган масалалар мажмуини кўриб чиқиш юзасидан махсус экспертлар гуруҳини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва бу ушбу йиғилиш якунлари бўйича Қўшма коммюникеда қайд этилди.

Ушбу гуруҳ доирасида Ташкилотга янги аъзоларни қабул қилиш тартибини қатъий белгилаб берадиган ҳужжатни тайёрлаш ишлари якунланмоқда. Бундай ҳужжат ишлаб чиқишининг ўзи қўп кўтбли дунёда янги глобал марказга айланаётган ШХТнинг очиклигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «ШХТнинг бу йўлдаги жадал ва тадрижий қадамлари, мантиқан, Ташкилотнинг қузатувчи давлатларини тенг ҳуқуқли аъзоликка қабул қилиш тартибини белгилаб берадиган зарур ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашни тезлаштириш мақсадида мувофиқдир». Шу ўринда томонларнинг экспертларига ШХТга янги аъзоларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги аниқ лойиҳасини ишлаб чиқишни ШХТнинг жорий йил июнь ойда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги саммитига қўра якунига етказиш вазифаси қўйилган.

«Жаҳон» АА



Саломатлигиниз ўз кўлингизда

ЮРАККА ДАРМОН ОЗИҚА

Кўпчилигимиз сабзавотларни, айниқса уларнинг яшил ранглиларини истеъмол қилиш саломатлик учун гоёт фойдалигини яхши биламиз. Лекин гулкарاملар, айниқса унинг брокколи деб аталган тури юрак хуружларининг, ҳатто инфаркнинг олдини олиши мумкинлигидан хабарингиз бўлмас керак. Лондондаги Британия империяси институти олимлари кенг қўламли ва қизиқарли тадқиқотлар ўтказиб, брокколида сульфорофан моддаси мавжудлиги тўғрисида сабзавот қонда қуюқ ланталар ҳосил бўлишига қарши курашишни аниқлашди. Бу модданинг мавжудлиги шунингдек, иммунитетни ошириб, қон таркибини яхшилади.

Брокколидан ташқари, оддий қарам, гулқарам, Брюссель қарамни ҳам шундай хусусиятга эга бўлиб, қоннинг вена қон томирларидан бетўхта ҳафтасига ёрдам беради. Олимлар ушбу тадқиқотлар натижалари юрак-қон томир касалликлари билан оғриган мижозларни даволашда қўл келишига қатъий ишонч билдиришмоқда.

Тадқиқотни моливий таъминланган Британия юрак фонди директори профессор Питер Вайсберг бундан буён барча мижозлар рақсонга ҳафтасига камида беш кун брокколидан тайёрланган таомлар киритилишини айтган. Шунингдек, у мазкур тадқиқот кўрсатган биокимёвий натижалар, махсус ишлаб чиқилган пархез давосини дори-дармонлар билан қўшиб олиб бориш юрак хуружлари ва инфаркта етакловчи омилларнинг олдини олиш ёки салбий таъсирларини, қамайтиришга ҳизмат қилишнинг ҳам таъкидлагани.

СУВ ЁРДАМИДА ОЗИШ ОСОН

Америка пархезшунослари ортқича вазндан "сув пархези" ёрдамида кутулишни тавсия этишмоқда. Дарвоқе, бу усул Фарбда тобора омаллашиб ҳам кетмоқда. Организмга суоқликнинг етишмаслиги унда стресс ҳолатини келтириб чиқариб, миёга очлик синалига ўхшаш хабар юборилиши аниқланди. Натижда сув ичиш ўрнига биз овқатлана бошлаймиз. Айни пайтдаги ноқерак озиқа моддалари танамизнинг энг кўрimsиз жойларида ёғ сифатида тўплана бошлайди ва вақт ўтиб бориши билан ўша

жойлар яққол кўзга ташланадиган бўлиб қолади.

Сарв қоматдан бутунлай ажраб қолмаслик учун биз сутли шоколадлар билан ўзимизни алдимоқчи бўламиз ёки силани куритадиган фитнес машгулотлари билан шуғулланишга киришамиз. Аслида эса сувни муайян мувозанатда истеъмол қилиш орқали аввалги ҳолатга қайтиш мумкин.

Кунига шарбат, чой ва кофедан ташқари, 2-2,5 литрдан сув ичиб (айни пайтда ёғлик овқатларни истеъмол қилишни ҳам бирмунча чеклаб) очлик ҳиссини босиб, шу йўл билан ёмоқчи бўлган овқат ҳажми кискартирилади. Бунда фақат сув ичишни кўзда тутаямиз. Чунки чой ва кофеда ҳам организмнинг кимёвий таркибини ўзгартирувчи фаол моддалар бор. Газланган ичимликларга-ку экинлашмаганингиз маъкул: улар тана сувини қочиради.

ОЛМА НАФАС ОЛИШНИ ЯХШИЛАЙДИ

Ким олмани кўп еса, ўша яхши нафас олади. Нью-Йоркдаги Корнелл университети олимлари шундай хулосага келишди. Мазкур университет мутахассисларининг баён этишларига, пўсти билан 100 грамм олма ўз таъсирига кўра, 1500 миллиграмм С витаминига тенг келаркан.

Кўп касалликлар танада доимий равишда соғлом ҳужайраларга ҳужум қилиб турадиган эркин радикаллар таъсирида вужудга келиши тадқиқотчиларга маълум. Эркин радикалларни ўзаро боғлаб, уларни танадан чиқариб юборувчи антиоксидантлар уларга қарши туради. Дарвоқе, инглизларда шундай мақол ҳам бор: An apple a day keeps the doctor away - кунига битта олма есанг, шифокорнинг кереги йўқ.

Лекин табиат яратган ҳимоя тизими қанчалик мукамал бўлмасин, у ҳамиша ҳам радикаллари енгавермайди. Бунинг оқибатида ўпка касали келиб чиқади. Бундай вақтда мутахассислар фақат бир омил - ўпкани асосий антиоксидантлар - С ва Е витаминлари билан тўйинтириб боришга ягона нажот йўлидир, деб ҳисоблашади. Ўпкага ёрдам бериб туриш учун ўз рационингизда албатта олма ҳам бўлиши кераклигини унутманг.

Дам олиш соатларида

Ота-она ўз фарзандини қандай қилиб ўзига ишонадиган, дадил қилиб тарбиялаш ҳақида ўйлаши табиий. Зеро, бу хусусият унга кейинги ҳаётида умр бўйи жуда асқотади. Психолог Мунира Адхамова бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди.

Шуни айтиш ўринлики, ўзига ишонч, ҳар қандай вазиятда ўзини йўқотмай дадил тутиш одати ёшлардан, тўғрироғи гўдақлик чоғларидан бошланади. Бинобарин, бу хусусиятни шакллантиришда ота-оналарнинг таъсири жуда кучли бўлади. Болани ўз ниятларида қилиб тарбиялаш учун ота-оналарга қуйидаги бир қанча омиллар, ҳолатларни ҳисобга олиб бориш тавсия этилади:

Ҳар кун фарзандингиз билан бирга қандай бўлса ҳам бир турдаги ишларни бажаринг. Бир хилдаги ишнинг кунига бир вақтнинг ўзида такрорланиши, гўдақнинг бўладиган жараёнларни олдиндан билиши, ўзини хавф-хатарсиз сезишига сабаб бўлади ва дадил ҳолда, ўз дунёсини назорат қила олади. Мисол учун фарзандингиз ваннадан кейин унга албатта болалар китобини ўқиб беришларини, кейин алла айтишларини, ундан сўнг эса, уйкуга кетишини билса, аста-секин воқеалар тартибини ўзлаштиради ва уларнинг алмашишини хотиржам қутиб олади.

Бола кўз ўнгида у билан алоқадор воқеа-ҳодисалар бетартиб, тасодифан ва чалак-чати рўй берадиган бўлса, у безовталанади, ўз дунёсида ўзини йўқотиб, атрофдаги воқеаларни тадқиқ этишдан қўрқиб қолади. Бунинг тескарисини бўлса, яъни бир машгулотдан кейин қайсиниси келишини билса - ғайрати тошиб, нималар бўлаётганини қизиқиб кузатади ва ўзи иштирок этади.

Боланинг турли ўйинлар билан шуғулланишига кўпроқ шароит яратиб беринг. Айнан шу ўйинлар орқали гўдақ ўзи ҳақида, одамлар, атрофини ўраб турган дунё тўғрисида маълумот олади. Ўйинлар давомида

болалар шунингдек, муаммоларни ҳал қилишни, масалан, диван тагига кириб кеткич қопқончи олишни, кўғирчоғини кийинтиришни, "Конструктор" қисмларини йиғишни ўргангани ва шу тариқа ўзига ишонч пайдо қила бошлайди. Яна ўйинчоқнинг тугмачсини босиб, мусиқа чалинишига эришиши билан у ўз ҳаракатлари орқали бирон нарса қилишга қодирлиги ҳамда атрофга ўз таъсирини ўткази олишни тушу-

қадмлари, диванга ўрмалаб чиқаётгани, велосипедда учишни ўрганаётган дастлабки онлари, боғчага, мактабга биринчи қадам қўйган ҳолатлари ва яна кўпгина ҳаёт лавҳалари альбомни безаши мумкин.

Фарзандингиз ўзи урдалай олмайётган бирон муаммони ечишга интилишини қўллаб-қувватланг. Мисол учун бирон вазифани у еча олмайётган бўлса, уни соддалаштириб, бола еча оладиган тарзда қисмларга бўлиб тушунтиринг. У фарзандингизни тинчлантиради, ўзини хавфсиз ҳис этади ва дадиллашади. Масалан, у велосипедда учмоқчи бўлса-ю, бироқ кўркса, аввалга яхши кўрган ўйинчоқларидан бирини учиринг. Кейин кўғирчоғини боланингизнинг ўзи учирсин, кейин сизнинг ёрдамингиз билан унинг ўзи велосипедга ўтиради.

Бола ўзини дадил тутиши учун сиз унинг ёнида туришингизни, керегида ёрдам беришингизни айтишингиз мумкин. Энг муҳими, гўдақнинг ўзи ҳар қандай вазифаларни ечишдан қўрқмай, уларни ҳал эта олишини тушуниб олишига эришишида.

Бола тарбиясида фақат ижобий таъкидларни қўллашга ҳаракат қилинг. Ҳеч қачон болага "буни сен урдалай олмайсан", "сенга йўл бўлсин", "бу қобилиятинг билан хоҳнада, раққоса, учувчи бўлолмайсан", "буни хаёлингга ҳам келтирмай қўяқол" деган ибораларни ишлатманг. Бундай инкорларимиз билан гўдақлигидек уни чеклаб, ишончсизлик қайфиятини тўғдириб қўямиз Бу эса, у келажакда ўзи орзу қилган касб-хунар, ишни эгаллай олмаслигига, оқибатда бола ўзи учун хоҳлаган нарсасига эришолмаслигига сабабчи бўлади.

Бола тарбиясида аввал бошданок "буни урдалайсан", "бемалол қурбинг етади", "кўрқма, кўп нарса қўлингдан келади", "истеъдодинг бор, талантингиз" деган ижобий таъкидларни кўп қўллаш, унинг ўзини эп-лашда ёрдамлашиб бориш керак. Шунда у ҳаётда дадил, ўзига, ўз куч-имкониятларига ишонадиган одам бўлиб етишади.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ

на бошлайди. Айнан ўйинлар жараёнида гўдақлар ўзларини атрофдагилардай ҳис этишлари мумкин.

Боланинг муаммоларни ҳал қилишига имкон беринг. Фарзандингиз олдида ўзингизни ҳар дамда ёрдам беришга тайёр шериқдай тутинг-у, лекин ҳеч қачон ташаббусни ундан тортиб олишга интирманг. Агар фарзандингиз ниманидир эплай олмаса, вазиятни бирга ўрганиб, муаммо нимадалигини ва уни қандай ҳал қилишни биргалашиб ўйланг. Агар боланингизда бирон-бир тақлиф бўлмаса, унга ечиминг бир неча йўлини тақлиф қилиб, танлаш ҳуқуқини унинг ўзида қолдириг. Худди шу мустақил бир қарорга келиш орқали гўдақда ўзига ва ўз кўчига ишонч пайдо бўлади.

Фарзандингизга у ёки бу хилдаги вазифаларни топширинг. Ўзи урдалай оладиган вазифаларнинг пайдо бўлиши ҳам катталар унга ишонч билдиришга тўғриси шакллантиради, унинг ёрдами керак бўлаётганини ҳис этиш ҳам гўдақда ўзига ишонч ҳиссини кучайтиради.

Боланинг арзимаман ҳар қандай ютуғини мактаб, уни руҳлантириб бориш. Мактовларни унутиб юбормаслиги учун у эришган кичик-кичик галабаларни акс эттирувчи фотосуратлардан альбом тўзсангиз айни муддао бўларди. Масалан, гўдақнинг илк


Санъат

ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Киночилар уйда «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси томонидан ўтган йил давомида давлат буюртмаси асосида суратга олинган фильмлар намойиши, муҳокамаси ва ижодий конференция ўтказилиши аънаъга айланган.

Жорий йил 9 мартдан 16 мартга қадар 2009 йил давомида суратга олинган бадиий ва мультипликацион фильмлар намойиши бошланди. Дастурдан сценарий муаллифи ва постановкачи-режиссёр С.Назармухамедовнинг «Нариги соҳилда ёхуд уч оғайни қиссаси», режиссёрлар А.Бектурдиевнинг «Сўнгги лаҳза» («Сен борсан»), Х.Насимовнинг «Таҳдид», М.Абдулоқовнинг «Аросат», Ё.Тўйчиевнинг «Илова», Н.Аббосовнинг «Абдиқадир чархи», Б.Айназаровнинг «Тузук», Б.Низаматдиновнинг «Ўғри» («Қорақалпоқфильм») бадиий ҳамда «Сумалак ва минг тилак», «Зўраки фолбин», «Олтин танга», «Моҳир қўллар», «Оқ товуқ» анимацион фильмлари ўрин олган.

Айниқса лирик йўналишдаги «Сўнгги лаҳза», долзарб мавзулардаги «Таҳдид», «Аросат», «Курорт» бадиий фильмлар кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур киноасарларда бош образларни таниқлик актёрлар ижро этган. Фильмлар фестивали якунида «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси томонидан киноижодкорлар ва кенг жамоатчилик иштирокида ижодий конференция ўтказилди. Намойиш этилган фильмлар юзасидан мутахассислар ўзаро фикр алмашадилар, қизгин муҳокама ва мунозаралар бўлиб ўтади. (Ўз мухбиримиз)



Ўз ёшидан каттароқ кўринадиганларга нисбатан ёшроқ кўринишга эга бўлганлар узокроқ яшашади. Жанубий Дания университети олимлари одамнинг ташқи кўринишига қараб, унинг қанчалик узок яшаши айтиб бериш мумкин, дея таъкидлашмоқда. 70 дан 90 ёшгача бўлган 387 жуфт эгизакда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келинган. Бу тажриба етти йил давомида ўтказилган.

Табиат сир-синаотлари
ЮЗДАН УМР УЗОҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ МУМКИНМИ?

Авалло, барча иштирокчилар суратга туширилган. Суратларни қариялар уларнинг табиий ҳамширалари, амалиёт машгулотларини ўтаётган ўқитувчиларга ҳамда тажриба ўтказилаётган кишиларнинг тенгдошларига кўрсатилиб, улардан суратдагиларнинг ёшини аниқлаш илтимос қилинган.

Етти йилдан сўнг тажрибадан ўтаётганлар ўлими ҳақидаги маълумотларни олдинги башоратлар билан солиштириб, суратга олиш пайтида ёшроқ кўринганлар ўз ака-ука ва опа-сингилларидан кейинроқ вафот этишини аниқлашди, дея маълум қилади compulenta.ru.

Синалганларнинг жинси, ёши ва касб-кори таъсири тажриба натижаларида бирон тарзда намоён бўлмаган. Тадқиқотчилар ўз кашфиётларининг ҳақиқатга яқин биологик омилни сабаб қилиб келтириши: асосий сабабчи инсоннинг ўзидаги ҳолат ўлчигичи - хромосомаларнинг учки қисмлари деб таъкидлади.

Инсоннинг биологик соати деб аташ мумкин бўлган тана ўлчигичлари ҳужайра бўлинишининг ҳар бир циклида қисқариб боради; уларнинг узунлиги сўнгги нуктага етиб борганда, ҳужайраларнинг бўлиниш қобилияти йўқолиб, ҳалок бўлади. Ёшроқ кўринган мижозларда тана ўлчигичлари узунроқ бўлган.

Ҳар тўғрида
БЕШ ЁШДА - ЧЕМПИОН...

Беш ёшли қизча каратэ бўйича энг ёш қора белбоғ эгаси бўлди. Варша исмли бу қизалоқ икки ёшлигиданоқ жанговар санъат соҳасида машқ қила бошлаб, уч йилдан сўнг энг юксак даражадаги маҳоратини намойиш эта бошлади.

Жажжи жангчи шундай ноёб қобилиятлари-ю мураккаб спорт мусобақаларидаги тажрибаларини отаси билан ўтказган машгулотларидан олди. Эришган юксак натижаларига қарамай, у ўз муваффақиятларини ҳали рингда исботлашга эришгани йўқ.

— Каратэ синфида бўлган вақтда менинг нималарга қодирлигимни кўрганларнинг ҳаммалари жуда ажабланишди,— деган у BANG Showbiz матбуот агентлигига. — Мен ката (характерли усуллар) ни яхши кўраман, шунингдек, барча ҳаракатлардан фойдаланишим мумкин. Шу билан бирга, мен Кубодога тайёргарлик ва амалиёти (совуқ қуролларнинг бир неча турлари билан ишлаш)ни ҳам жуда ёқтираман.

Қизалоқ яна саи (чопқи), таёқлардан фойдаланишни ҳам яхши кўради. Эндликда у жанговар санъатлардан аралашига фойдаланишни ўзлаштириш устида ишламоқда. Мини-Нинзя деб аталган болалар учун янги компьютер ўйини ишлаб чиқарувчилари билан у спортнинг шу турига қизиқишни орттиришда ҳамкорлик қилади.

РУЛДА ХАВФЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР

Беш миллиондан ортиқ автомобилчилар - хавфсиз бўлмаган транспорт во-

ситаларининг эгалари ёки уларнинг ўзлари рулда хавф туғдирувчилардир. Британия кутқарув хизмати ўтказган тадқиқот шу натижани кўрсатди. Ҳайдовчиларнинг нақ 22 фоизи ўз автомобилларидаги хавфли носозликни олдиндан билишган. Бунинг устига, улар олти ой ва ундан ортиқ вақт давомида носоз транспорт воситаларида юришни давом эттиришган.

Автомобилчиларнинг 31 фоизи мавжуд муаммони ўзлари ҳал этишларига йўл қўй олмасликларини таъкидлашган. Шу билан бирга, 11 фоиз ҳайдовчилар, носоз машиналарини таъмирлашга шунчаки вақтлари йўқлигини пеш қилишган.Энг кўп тарқалган носозликлар филдираклар шиналари, носоз тормозлар ва ишланган газларни чиқариш воситаси билан боғлиқ бўлиб чиқди.

5 фоизга яқин транспорт воситалари зарарланган ён ойнани таъмирлаш ёки ўрнига бошқасини қўйишга муҳтож экан. Тахминан шунча миқдордаги автомобилларнинг олд ёки орқа чироқлари синган ҳолатда бўлган. Британия Кутқарув Хизмати Бош директори Симон Стивенс шундай баёнот берган:

— Жуда катта миқдордаги автомобилчилар ҳозирги вақтда зудлик билан таъмирлашни талаб этувчи носоз автомобилларни ҳайдаб юришибди. Баъзи бир носозликлар эътиборга арзимайдигандай туюлиши мумкин, лекин улар машинани ўлим тузоғига айлантиришга жуда қодирдир. Бир қарашда аҳамиятсиз туюлган носозликлар ҳайдовчи, йўловчилар ва йўлдаги бошқа одамлар ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин. Бу носозликлар кам деганда жаримага олиб келиши мумкин - бунга чидаса бўлади. Аммо у инсонлар саломатлиги ёки ҳаётига зомин бўлса - унга тоқат қилиш мумкин эмас.

Ҳаётий ҳикоятлар

БУ... НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

...Талабалар аудиторияни тўлдириб, дарс бошланишини кутишарди. Ниҳоят, домла пайдо бўлди ва ҳаммани хайратда қолдириб, стол устига каттақон шиша банкани қўйди.

— Бугун мен сизлар билан ҳаёт ҳақида суҳбатлашмоқчиман: ушбу банка ҳақида нималар дея оласизлар?

— Бўш банка-да,— деди кимдир.

— Жуда тўғри, — тасдиқлади домла, кейин стол остидан йирик тошлар солинган халтанни олиб, аста-секин тошларни банка оғзигача тўлғурича териб чиқди. — Энди шу банка ҳақида нима дея оласизлар?

— Энди банка тўла! — деди яна талабалардан бири.

Домла нўхот солинган бир халтачани олди ва уни банка оғзига аста тўка бошлади. Нўхот тошлар ораллигидан бўшлиқлари тўлдирди бошлади.

— Энди-чи?

— Банка энди лиммо-лим тўла!!! — қичқаришди ҳар томондан талабалар. Энди домла қум солинган халтачани олди ва уни банкага тўка бошлади. Бирмунча вақт ўтиши билан банкада бўш жой мутлақо қолмади.

— Банка лиммо-лим тўлгани аниқ, — шовқин кўтаришди талабалар. Шунда домла мўғомбирларча қулимсираб, икки шиша пивони олиб, уларни ҳам банкага қўйди.

— Ана энди банка ҳақиқатан ҳам тўлди, — деди у. Энди мен сизларга нималар бўлганини тушунтириб берманан. Банка — бу бизнинг ҳаётимизда. Тошлар — ҳаётимиздаги энг муҳим нарсалар, яъни оилаларимиз, бола-чақаларимиз, суоқли кишиларимиз — биз учун қимматли бўлган ҳамма нарсаларимиз; нўхот — биз учун унча муҳим бўлмаган нарсалар — бу қимматбаҳо қостом ёки машина ва ҳоказо-

лар бўлиши мумкин. Кум эса, ҳаётимиздаги барча майда-чўйдолар ва арзимас нарсалар, бутун ҳаётимиз давомида бизни таъкиб этиб борадиган майда-чўйда муаммолар.

Ҳайлаб кўринг: агар мен дастлаб банкага кумни солганимда, унга на нўхоти ва на тошларни жойлаштириб бўлмасди. Шунинг учун ҳам бўлар бўлмас, ҳар хил майда-чўйдолар кўзингизни кўр қилиб, ҳаётингизни тўлдиршига йўл қўймаган. Шу билан гапим тамом — маъруза тугади.

— Профессор, — дея сўраб қолди талабалардан бири, — шилалардан пивонимани англади?

— Улар шунга англадики, ҳар қандай муаммолар тўлиб-тошиб ётишига қарамай, ҳамма нарсани орқага ташлаб, ўзингизни бўш қўйиб, икки шиша пивони томоқдан ўтказишга ҳаммиша вақт топса бўлади!

